Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни озиқ - овқат
маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича
№ 4 сонли ШАРТНОМА

2021 йил «12» январ                                                                                    Қўқон шаҳри

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи "Gold Autumn Vegetable " М.СН.J. кейинги ўринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан раҳбари Қодиров У. биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Қўқон 2-сонли болалар уйи номидан (келгусида «Харидор» деб аталади) раҳбари М. Тўрахўжаева ўрталарида куйидаги максадларда тузилди.

1.Шартнома предмети

1.1.«Сотувчи» «Харидор»га куйидаги маҳсулотларни етказиб беради:

1.2.Мазкур шартноманинг умумий киймати 255000 сўм, Икки юз эллик беш минг сўм.) (рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади) сўмни ташкил килади.

1.3. Маҳсулотлар 2021 йил ____________ ойига куйидаги ассортиментда етказиб берилади:

| Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|
| Қизилча | кг | 30 | 3500 | 105000 |
| Карам | кг | 30 | 5000 | 150000 |
| Жами: | | | | 255000 |

10.51.52.140

Изоҳ: Шартнома муддати бир ойдан ортиқ бўлганда ассортимент бўйича олинаётган маҳсулот турлари ва нархлари келгуси ойлар учун талаб ва эхтиеждан ва нарх-наволардан келиб чиққан ҳолда алоҳида спецификация ҳолатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиқлангандан сўнг ушбу шартномага илова қилинади ва шартномани ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбуни натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган холатда қўшимча келишув орқали шартномани суммасига ўзгариш киритилади.

## 2. Ҳисоб-китоб шартлари.

2.1 Олинган озиқ-овқат маҳсулотлари учун махсулот спецификациясида белгиланган нархда тўлов жадвали бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

2.2 «Харидор» олдиндан 15 % миқдорида туловни амалга оширади хамда тулик хисоб-китобни махсулот олингандан сўнг 60 кун ичида счет фактураларга асосан пул ўтказиш йули билан амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 15% миқдорида олдиндан тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.

2.3 Маҳсулотлар учун нарх махсулот етказиб беришга даъвогар бўлган корхоналарнинг тижорат таклифларидан хамда худуддаги ўртача бозор нархлари, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тақдим этилган нархлардан келиб чиққан холда тақдим этилаётган махсулотларни сифатини эътиборга олиб ўзаро таклов асосида белгиланади. Сут махсулоти учун нарх бозор нархларидан ошмаган холда сутни ёғлилик даражасига қараб етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасида ўзаро келишилиб белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотларига белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарк «Сотувчи» зиммасидан копланади.

## 3. Маҳсулот етказиб бериш:

3.1 «Сотувчи» шартномада белгиланган маҳсулотларни келишилган тақсимотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгоҳларига белгиланган муддатларда яъни ____________________да етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

## 4. Томонлар хуқуқи ва мажбуриятлари:

4.1 «Сотувчи» маҳсулотни сифатини тасдиқловчи хужжат (мувофиқлик сертификати ва санитария-гигиена сертификати, гўшт маҳсулотлари учун ветеринария бўлими хулосаси ва хоказолар) ҳамда маҳсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги маҳсулотни жойларга етказиб берилишига кафолат беради ва хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

4.2. «Сотувчи» «Харидор» томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалоқ муҳр босилган ишонч қоғози кўрсатган вакилга маҳсулот беради. . Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч қоғозида курсатилмаган маҳсулотларни ёки маҳсулотларни ишонч қоғозида белгиланган миқдоридан ортиқ берган холларда бу маҳсулотлар учун «Харидор» томонидан хак туланмайди. Шунингдек, «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотларлар етказиб берилса бу маҳсулотлар «Сотувчи»га қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун хак тўланмайди.

4.3. «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлик ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлик реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли далолатномалар орқали расмийлаштирилади.

4.4. «Харидор» «Сотувчи» томонидан юборилган маҳсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг олинган маҳсулот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

## 5. Жарималар қўлланилиши

5.1 Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки сақлаш муддатлари ўтиб кетган маҳсулотларни етказиб келган ҳолда «Харидор» «Сотувчи»дан бундай маҳсулотларнинг умумий қийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб утилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2 Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га белгиланган маҳсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келмаса, «Сотувчи» муддатида етказилмаган маҳсулотларни умумий қийматини 0.02% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Харидор»га жарима тўлайди.

5.3 Қабул қилинган махсулот учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда хар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган маҳсулот қийматидан "Харидор" томонидан 0.02 % миқдорида "Сотувчи" га пеня тўланади.

5.4 Жарималар тўланиши «Сотувчи»ни ва «Харидор»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## 6.«Форс-мажор»

6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини,ёнғин,зилзила,бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

## 7. Шартнома муддати

7.1 Шартноманинг амал килиш муддати 2021 йил 31. 12. гача.Маълум сабабларга кўра олинган махсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

7.2 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан;

б) «Сотувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотни сифатсизлиги тўғрисида «Харидор» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

в) «Сотувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1 , 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда;

г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Сотувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д)нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки купайиши)лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: б,в,г,д пунктлари бўйича шартномалар «Харидор» томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин. Шартноманинг бекор килингани тўғрисида «Харидор» «Сотувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум килади.

## 8. Қўшимча шартлар

8.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаган такдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Хўжалик судлари оркали хал килинади.

8.2«Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия,гувоҳнома,сертификат) «Истеъмолчи»га тақдим этади.

8.3 Шартномани бажарилиши учун тааълуқли хужжатларни хаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаетган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

8.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

8.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

## 9.Томонлар хукукий манзили ва банк реквизитлари.

| «Таъминотчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| «Gold Autumn Vegetable» M.CH.J. | 2-сонли болалар уйи |
| (мол етказиб берувчининг номи) | (мол кабул килувчининг номи) |
| Манзил: Кукон шахар И.Бухорий - 1А уй | Манзил: Оқ уйлик №22 |
| Тел./факс (91) 147- 01 - 10 | Тел./факс 542-44-26 |
| х/в 2020 8000 1054 4131 8001 | х/в 10002186030405701332029001 |
| Банк номи: Универсал банк Кукон шахар | Банк номи |
| МФО: 00973 СТИР:308883375 | МФО 01516 СТИР 201033288 |
| ОКОНХ: | ОКОНХ |
| Рахбар Кодиров У. | Рахбар М. Тураходжаева |
| М.Ў. | М.Ў. |

### Хукукий хулоса

Мен ушбу шартномани хукукий экспертизадан утказдим. Мазкур шартномада курсатилган муносебатлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Конуни ва Фукаролик кодекси билан тартибга солинади хамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал этиш тартиби юкорида зикр этилган конунчилик талабларига мос келади.

Юрист: Юсупова